

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ ЕМИРИЛИШИ ҲАМДА ҚАЙТА ҚУРИШ СИЁСАТИНИНГ ТАНАЗЗУЛИ ҲАҚИДА НОЁБ КИТОБ

Ойбек Рашидов,

Тошкент иқтисодиёт университети профессори, тарих фанлари доктори (DSc)

<https://doi.org/10.53885/edinres.2024.04.2.005>

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти бош илмий ходими, тарих фанлари доктори, профессор Қаҳрамон Ражабов ташаббуси билан “Ўзбекистон тарихининг XX асрдаги янги саҳифалари” рукнида “Фан” нашриётида 14 номдаги монографияларни нашр этиш режалаштирилган бўлиб, шундан қуйидаги 10 та монография 2022 йили чоп этилди.

Қуйида ушбу монографияларнинг номларини келтириб ўтишни жоиз топдик:

1. Ўзбекистон ва ССРда совет бошқарувининг инқирози, Мустақиллик Декларацияси ҳамда озодликнинг машаққатли йўли (1982 – 1992 й.);
2. Туркистонда совет ҳокимиятининг иқтисодий сиёсати ва очарчилик даҳшатлари (1917 – 1924 й.);
3. Ўзбекистон ССРда совет режимининг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари (1917 – 1991 й.);
4. Туркистон минтақасида совет режимига қарши истиқлолчилик ҳаракати ва моҳияти (1918 – 1935 й.);
5. Иброҳимбек қўрбоши;
6. Туркистон қўрбошилари;
7. Туркистон тарихида ўтган 55 буюк сиймо;
8. Ўзбекистоннинг XX асрдаги тарихи;
9. Ўзбекистон ССРда совет давлатининг емирилиши ҳамда қайта қуриш сиёсатининг таназзули (1985 – 1991 й.);
10. Туркистон Мухторияти тарихи.

Ушбу монографиялар республикамизда энг нуфузли давлат нашриёти “Фан” да чоп этилишининг ўзи катта ютуқ ҳисобланади. Совет даврида Москвада “Наука”, Тошкентда “Фан” нашриётида илмий соҳада қилинган янгиликлар, монографиялар, рисоалар, адабиётлар, дарсликлар чоп этилган. Мустақилликка эришганимиздан кейинги 30 йилликда ҳам ушбу нашриёт ўзининг нуфузини сақлаб келмоқда.

Тарихчи олим Қаҳрамон Ражабовнинг юқорида номлари келтирилиб ўтилган монографияларининг барчаси ўзига хос ҳамда долзарб масалалар ва муаммоларнинг келтирилганлиги билан муҳим ҳисобланади. Биз ушбу мақолада 9-монография ҳисобланган “Ўзбекистон ССРда совет давлатининг емирилиши ҳамда қайта қуриш сиёсатининг таназзули (1985 – 1991 й.)” ҳақида фикр юритмоқчимиз. Ушбу монография Қаҳрамон Ражабов ҳамда Навоий давлат педагогика университети Тарих кафедраси мудири, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Ҳусан Абуев билан ҳаммуаллифликда ёзилган. Мазкур монографияга тарих фанлари доктори, профессор Сулаймон Иноятов масъул муҳаррир ва тарих фанлари номзоди Ибодулло Шоймардонов ва тарих фанлари доктори (DSc) Ойбек Рашидовлар тақризчи ҳисобланадилар.

Монографиянинг тузилиши сўзбоши, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган. Муаллиф томонидан келтирилган Аннотациясида мазкур монография 1985-1991 йилларда Ўзбекистон ССРда совет бошқарувининг инқирози, мамлакатда қайта қуриш сиёсатининг барбод бўлиши, 1990 йил 20 июнда қабул қилинган Мустақиллик Декларацияси ҳамда унинг жаҳоншумул аҳамияти, ўзбек халқининг озодлик ва мустақиллик томон босиб ўтган машаққатли йўли архив ҳужжатлари, даврий матбуот материаллари ва хотиралар асосида ёзилганлиги қайд этилган.

Сўзбоши қисмида муаллифлар тарихимизда ҳозирча махсус тадқиқ этилмаган мавзу ҳисобланган Ўзбекистон ССРда совет бошқарувининг инқирози, мамлакатда қайта қуриш сиёсатининг барбод бўлиши, 1990 йил 20 июнда қабул қилинган Мустақиллик Декларацияси ҳамда СССРнинг парчаланиши масалаларини илмий жиҳатдан долзарб эканлигини қайд этадилар.

Монографиянинг биринчи боби “Ўзбекистон ССР мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги зиддиятли жараёнлар кучайган даврда” деб номланган. Ушбу бобнинг биринчи параграфи мавзунинг манбашунослиги ва тарихшунослиги масалалари таҳлилига бағишланган. Монографияни ёзишда мавзуга оид манбаларнинг етти гуруҳи: 1. Расмий ҳужжатларнинг норматив ва ҳуқуқий ҳужжатлари. 2. Эълон қилинган ҳужжатлар ва материаллар тўпламлари. 3. Архив ҳужжатлари ва материаллари. 4. Даврий матбуот нашрлари. 5. Хотира ва эсдаликлар. 6. Давлат ва сиёсат арбобларининг турли нутқ, маъруза ва асарлари. 7. Дала материаллари (Оғзаки тарих маълумотлари) дан кенг фойдаланилган.

Шунингдек, биринчи бобнинг кейинги икки параграфи Марказда сиёсий қарама-қаршиликнинг кучайиши ва унинг Ўзбекистонга салбий таъсири ҳамда Пахта иши ва унинг оқибатларига бағишланган. Қайта қуришни амалга оширишдаги қарама-қаршилик ва ноизчиликлар натижасида ХХ асрнинг 80-йиллари охиридан бошлаб мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида бухронлар кучайиб кетганлиги, мустақиллик учун кураш, миллий низоларнинг айрим жойларда ихтилофли тус олиши масалалари ёритилган. Бундан ташқари Ўзбекистонда совет режими томонидан амалга оширилган кампанияларнинг энг охиргиси сифатида тарихга кирган “пахта иши” ва унинг атрофида содир этилган жиноятлар манбалар асосида очиб берилган. Марказдан республикага келган “десантчилар” партия, совет ва хўжалик раҳбарларига таяниб, Ўзбекистонда кенг миқёсда суд-терговни амалга оширганлиги ва унинг оқибатлари чуқур таҳлил қилинган.

Монографиянинг иккинчи боби “Совет Иттифоқида қайта қуриш сиёсати ва самарасиз ислохотлар” деб номланган. Ушбу бобда совет жамиятида бошланган қайта қуриш сиёсати ва унинг босқичлари ҳамда мамлакат ҳаётидаги ўзгаришлар, кадрлар сиёсати ва ошкоралик жараёни таҳлил қилинган. Қайта қуриш сиёсатида муҳим роль ўйнаши лозим бўлган кадрлар сиёсати ва инсон омилига, хусусан, демократия ва ошкоралик жараёнига мазкур сиёсатнинг дастлабки йилларда етарли даражада эътибор қаратилмаганлиги манбалар асосида очиб берилган.

“Ўзбекистон ССРдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва қайта қуриш сиёсати” деб номланган учинчи бобда қайта қуриш сиёсатининг бошланиши ва ижтимоий-сиёсий инқирознинг кучайиши ҳамда Ўзбекистон ССРдаги сиёсий бошқарув элитаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари масалаларига эътибор қаратилган.

Совет давлатининг ХХ аср 80-йилларида Ўзбекистон ССРда олиб борган сиёсати яқка партиявий мафкура доирасида бўлиб, иттифокдош республикалар, шу жумладан, Ўзбекистоннинг манфаатлари инobatга олинмади, натижада танглик ҳолати кучая борди, жаҳон тараққиётдан орқада қолиш давом этди. Ўзбекистон ССРда сиёсий бошқарув элитаси бу пайтда ўзининг лаёқатсизлиги ва Марказга тобелигини яна бир марта яққол намойиш этди. Республиканинг энг юқори даражадаги партия, совет ва хўжалик раҳбарлари ўз мансаб курсиларида қолиш учун Марказнинг ҳар қандай топширигини сўзсиз бажаришга ҳаракат қилганлиги монографияда келтириб ўтилган.

Қаҳрамон Ражабов ва Хусан Абуевларнинг мазкур монографиясининг тўртинчи боби “Ўзбекистонда демократик кучлар фаолияти, мустақиллик декларацияси ҳамда озодликнинг оғир йўли” деб номланади. Ушбу бобнинг биринчи параграфи “Бирлик” халқ ҳаракати ва “Эрк” демократик партияси фаолияти ҳамда Марказ билан Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари ўртасидаги зиддиятларга оид маълумотлар келтирилган. Мазкур бобнинг кейинги параграфларида Ўзбекистон

ССРнинг мустақилликни қўлга киритиши арафасида ижтимоий-сиёсий вазиятнинг кескинлашуви, Мустақиллик декларациясининг қабул қилиниши ҳамда ўзбек халқининг мустақилликка эришишнинг машаққатли йўли чуқур таҳлилга тортилган.

Қаҳрамон Ражабов ва Хусан Абуевлар томонидан ёзилган “Ўзбекистон ССРда совет давлатининг емирилиши ҳамда қайта қуриш сиёсатининг таназули (1985 – 1991 й.)” номли монография равон тилда ёзилган ва китобхонларга манзур бўлади деб ўйлайман. Монографиянинг илмий аппарати жуда бой бўлиб, муҳим фактларга берилган ҳаволалар сони 488 тани ташкил қилади. Шунингдек, ўша даврда чоп этилган 30 дан ортиқ номдаги хорижий ва маҳаллий журналлар ва газеталар, минглаб архив ҳужжатлари ҳамда эълон қилинган материаллар, хотира ва эсдаликлар, диссертация ва авторефератлар ҳамда интернет маълумотларидан фойдаланилган. Шу нуқтаи назардан монографияни ўқишни барча китобхонларга, хусусан, тарих фани соҳасида илмий тадқиқот олиб бораётган тадқиқотчиларга тавсия этаман.